

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 371.036:378.978:782(575.1)

ФАЙЗУЛЛАЕВ Эрмат Мажидович

**БЎЛАЖАК МУСИҚА ЎҚИТУВЧИЛАРИ БАДИИЙ ДИДИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ
(ўзбек мумтоз муסיқаси мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2010

Тадқиқот А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида
бажарилган

Илмий раҳбар: педагогика фанлари номзоди,
доцент **Маъмиров Қўлдош**

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори,
профессор **Ҳасанбоев Жалолиддин**

педагогика фанлари номзоди,
профессор **Турсунов Раҳматжон**

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ҳимоя 2010 йил “_____” _____ соат _____ да Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги К.067.18.03-рақамли
ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади. Манзил: 100070. Тошкент
шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй Тел: (99871) 254-92-02. факс: (99871)
215-54-18, e-mail: tgpu_ info@edu.uz

Диссертация билан Низомий номидаги ТДПУ ахборот-ресурс марказида
танишиш мумкин (100003, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси,
103-уй)

Автореферат 2010 йил “_____” _____ да тарқатилди

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби п.ф.н., доцент

Р.Г.Исянов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби маданий соҳада ҳам ижобий ўзгаришларни содир этиш, аҳоли маънавиятини юксалтириш, турмуш даражасини юқори босқичларга кўтариш, кишиларда маънавий тафаккурни шакллантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратила бошланди. Мазкур эътиборнинг исботи бой миллий-маданий меросни қайта тиклаш, жамият маданий ҳаётини ривожлантириш ҳамда ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан камолга етказишда унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш йўлида кенг кўламли амалий ҳаракатларнинг ташкил этилаётганлигида яққол акс этмоқда.

Мустақиллик йилларида жамият ижтимоий-маданий ҳаётининг барча йўналишларида бўлгани каби узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида фаолият юритувчи ўқув муассасаларида мусиқа таълими мазмуни тубдан янгиланиб, миллий мусиқий мерос асослари тўғрисидаги маълумотлар билан бойитилди. Натижада ўсиб келаётган ёш авлод миллий мусиқа тарихи, унинг ривожланиш йўли, ўзига хос йўналишлари ва анъаналари, шунингдек, миллий мусиқа санъати ривожига улкан ҳисса қўшган санъаткорларнинг ижодий фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбек миллий мусиқа санъати ҳам ўзида халқ руҳиятини тўлақонли акс эттириши, унга хос бўлган турмуш тарзи, ҳаётий мақсад-интилишлар, ўй-кечинмалар ва руҳий ҳолатни ифодалай олиши каби имкониятларга эгаллиги билан ижтимоий тарбияни ташкил этишнинг самарали воситаларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мусиқа санъати, хусусан, Шарқ мусиқасининг тарбиявий таъсирига юқори баҳо берар экан қуйидагиларни алоҳида қайд этади: “Шарқ мусиқаси – Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ мусиқасининг жаҳон меросида тутган ўрни бениҳоя буюк... Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда. Ўзининг юксак жозибаси билан дунё маданиятига озуқа бериб, умумбашарий қадриятларга муносиб ҳисса қўшмоқда”¹.

Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ёшларни ўзбек мусиқий мероси намуналари билан таништириш уларда миллий ўзликни англаш ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Ёшлар ўртасида миллий мусиқий мерос намуналарини тарғиб қилишда мусиқа фанлари ўқитувчилари асосий субъектлар бўлиб, уларнинг касбий малакага эгаликлари ҳамда ўзбек мумтоз мусиқасидан хабардор эканликлари кутилган натижага эришиш имконини беради.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини ўзбек халқининг бой мусиқий мероси, хусусан, мақомлар, мумтоз ашулалар ҳамда миллий чолғу ижрочилиги

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор таракқиёт йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 322-бет.

намуналари билан яқиндан таништириш орқали улар томонидан мумтоз муסיқа асарларининг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш уларда зарур касбий фаолият кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш билан бирга юксак бадиий дидни шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Айрим манбаларда “бадиий дид” тушунчасининг муқобили сифатида “нафосат диди” тушунчаси эътироф этилиб, шахснинг буюм ёки ҳодисага нисбатан муносабат билдириш тури, объектив нафосат ўлчови² дея таърифланган. Бадиий дидга эга бўлиш шахс хатти-ҳаракатларининг тартибли бўлишни таъминлабгина қолмай, унинг юриш-туриши, кийиниши, шунингдек, турмуш тарзини йўлга қўйиши билан ҳам атрофдагиларга ижобий таъсир кўрсатиш, уларда ёқимли ҳисларни ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Бўлажак муסיқа ўқитувчиларининг бадиий дидга эғаликлари, яъни улар хатти-ҳаракатларининг тартибли бўлиши, юриш-туриш, кийиниш ва муайян фаолиятни ташкил этишда ўқувчиларга намуна бўла олишлари эстетик тарбиянинг педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилишини кафолатлайди. Шу боис педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак муסיқа ўқитувчилари онгига ўзбек мумтоз муסיқаси асосларини чуқур сингдириш, уларда бадиий дидни самарали шакллантириш мақсадида зарур педагогик шарт-шароитларнинг яратилиши мақсадга мувофиқдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муסיқа инсоният маънавий маданиятининг муҳим таркибий қисми сифатида шаклланган. Тарихий манбаларда муסיқа асбобларининг сўнгги палеолит даврида пайдо бўлганлиги ҳақидаги маълумотнинг қайд этилиши инсоният ёш авлодни камолга етказишда жуда қадимдан оҳанг ва сўз ёрдамига таянганлигини англатади. Бу ҳолат Шарқ мутафаккирларининг асарларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, М.Кавкабий, Абу Наср Форобий ва Абу Али Ибн Сино асарларида муסיқа илмининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, муסיқанинг инсон руҳиятига ижобий таъсири масалалари таҳлил этилган.

Турли босқич таълим муассасаларида эстетик тарбияни ташкил этиш, Ўзбекистонда эстетик тарбияни ташкил этишнинг тарихий тараққиёти, шахсда эстетик (бадиий) дидни шакллантириш, муסיқий таълим самарадорлигини ошириш ва бу жараёнда муסיқавий-поэтик анъаналардан фойдаланиш, шунингдек, муסיқий-бадиий воситалар орқали ўсмирларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш масалалари М.Абдуллаева, О.А.Васильченко, Д.Джамалова, Д.А.Жамолова, Б.И.Ивасов, Қ.Мамиров, М.Мирзаева, Ҳ.Нурматов, Р.Орипова, И.Г.Ревес, Н.Толлибоев, О.М.Томсинская, С.Х.Файзулина, А.Ш.Ҳасанов, М.Хўжаева, Н.А.Черченина, А.Ш.Ҳасанов, О.Ҳолиқ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Х.А.Ахмедова, Й.Ботиров, Ш.Жанайдаров, А.А.Маллабоев, Ҳ.Нурматов, Ф.Н.Халилов, Б.Мадримов, С.Романова, Д.Саидов, И.Қудратов, Ф.Тўраев кабиларнинг ишларида эса олий таълим муассасаларида муסיқа таълимини ташкил этиш, талабаларда кўшиқ ва чолғу ижрочилиги кўникмаларини шакллантириш, бўлажак муסיқа ўқитувчиларининг бадиий-эстетик ва

² Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси /М.Х.Тохтаходжаева ва бошқалар. Проф. М.Х.Тохтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: “Iqtisod-Moliya”, 2007. 368-бет.

маънавий маданиятини шакллантириш ҳамда бу жараёнда халқ мусиқасидан фойдаланиш, талабаларни мусиқа воситасида ўқувчилар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишга тайёрлаш масалалари тадқиқот йўналиши қилиб белгиланган.

В.И.Петрушин, Д.Рўзиев, С.Рўзимбоев ва Д.Соиповаларнинг ишларида эса мусиқа санъати воситасида шахсни маънавий-ахлоқий жиҳатдан камолга етказишдаги психологик ва ғоявий-бадий жиҳатларининг ёритилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг эътибори Шарқ алломалари – Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ал-Киндий, Алишер Навоийларнинг мусиқий мероси, ўзига хос жиҳатлари ва тарбиявий имкониятлари, ўзбек миллий мусиқа ижодиёти тарихи ва йўналишлари, Фарғона ва Хоразм ижрочилиги анъаналари, мақомлар семантикаси, шунингдек, ўзбек халқ кўшиқларида ифодаланган ғояларга қаратилган бўлиб, Р.С.Абдуллаев, К.Аваз, М.Алавия, М.Аҳмедов, А.Бахриев, М.Ражабова, С.М.Бегматов, В.М.Беляева, Е.Э.Бертельс, А.Бобоева, Т.С.Вызго, А.Гигинейшвили, И.Дулгарова, У.Жуманазаров, О.А.Иброҳимов, И.Икромов, З.Б.Каримова, Ф.М.Кароматов, Қ.Мамиров, М.Мамиров, С.Маннопов, О.М. Матёкубов, Н.Б.Тоштемиров, Р.Турсунов, А.Фитрат, Б.Насриддинов, Ю.Ражабий, И.Ражабов ва Ҳ.Ҳамидовлар томонидан олиб борилган ишларини шулар жумласига киритиш мумкин.

Бироқ, назарий таҳлил ҳамда педагогика олий таълим муассасалари фаолиятини дастлабки ўрганиш мусиқа факультетларида бўлажак мусиқа ўқитувчиларида бадий дидни шакллантириш ва бу жараёнда ўзбек мумтоз мусиқаси имкониятларидан самарали фойдаланишда муайян камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Мусиқа факультетлари ўзбек мумтоз мусиқаси асослари тўғрисида батафсил маълумотлар бера оловчи манбалар билан тўла таъминланмаганлиги; ўқитувчи ва талабаларнинг бу борадаги эҳтиёжлари етарли даражада қондирилмаганлиги; ўқитувчилар ўзбек мумтоз мусиқаси таълимини технологик ёндошув асосида ташкил этиш малакаларини шакллантиришга хизмат қилувчи тавсиялар билан қуроллантирилмаганлиги; бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг ўзбек мумтоз мусиқаси йўналишлари бўйича ўтказилаётган турли кўрик-танловларда фаол иштирок этишларини таъминлаш учун зарур шарт-шароитни яратишга етарли эътибор қаратилмаганлиги; талабаларнинг ўзбек мумтоз мусиқаси намуналарини ижро этиш юзасидан мустақил таълим олиш имкониятларига эга эмасликлари уларни бартараф этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Мазкур камчиликларни ижобий ҳал этиш мақсадида тадқиқот муаммоси сифатида “Бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадий дидини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари (ўзбек мумтоз мусиқаси мисолида)” мавзуси танланди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг илмий ишлар режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мақсади: мумтоз асарлар воситасида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг бадий дидини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

1. Республика педагогика олий таълим муассасаларининг музыка факультетлари ва бўлимларида ўзбек мумтоз музыкаси воситасида бўлажак музыка ўқитувчилари бадий дидини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш.

2. Ўзбек мумтоз музыкаси воситасида бўлажак музыка ўқитувчилари бадий дидини шакллантириш мазмунини ёритиш ва ташкилий асослари (самарали шакл, метод ва воситалари)ни аниқлаш.

3. Ўзбек мумтоз музыкаси воситасида бўлажак музыка ўқитувчилари бадий дидининг шаклланганлик даражасини баҳоловчи мезонларни асослаш.

4. Ўзбек мумтоз музыкаси воситасида бўлажак музыка ўқитувчилари бадий дидини шакллантиришда юқори самарадорликка эришишга оид илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: ўзбек мумтоз музыкаси воситасида бўлажак музыка ўқитувчилари бадий дидини шакллантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети: ўзбек музыкаси воситасида бўлажак музыка ўқитувчилари бадий дидини шакллантириш мазмуни, тамойиллари, босқичлари, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқот методлари: мавзуга доир илмий, фалсафий, тарихий, мушаккашunoslik, педагогик ва психологик адабиётларни таҳлил қилиш; педагогик кузатиш; илғор иш тажрибаларини ўрганиш; анкета сўрови; суҳбат; интервью; педагогик тажриба; математик статистика.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Агарда: педагогика олий таълим муассасаларида ўзбек мумтоз музыкаси асосларини ўқитишда самарадорликка эришишни кафолатловчи зарур педагогик шарт-шароитлар (бу жараёнга малакали ўқитувчиларнинг жалб этилганлиги; таълимнинг технологик ёндашув асосида ташкилий-методик жиҳатдан юқори даражада ташкил этилганлиги; дарс ва дарсдан ташқари шароитларда бўлажак музыка ўқитувчилари бадий дидини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар ўртасида ўзаро изчиллик, алоқадорлик ва узвийликнинг таъминланганлиги; бўлажак музыка ўқитувчиларини ўзбек анъанавий кўшиқчилиги ва чолғу ижрочилиги бўйича касбий малакаларини ошириш мақсадида уларнинг турли кўрик-танловларда фаол иштирок этишларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилганлиги; бўлажак музыка ўқитувчиларида ўзбек мумтоз музыкаси асослари бўйича мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларининг ҳосил қилинганлиги ва ҳ.о.лар) яратилса ўзбек мумтоз музыкаси воситасида бўлажак музыка ўқитувчилари бадий дидини самарали шакллантиришга эришиш мумкин.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Мумтоз асарлар воситасида бўлажак музыка ўқитувчиларининг бадий дидини шакллантиришнинг назарий асослари.

2. Мумтоз асарлар воситасида бўлажак музыка ўқитувчиларининг бадий дидини шакллантиришнинг самарали шакл, метод ва воситалари.

3. Мумтоз асарлар воситасида бўлажак музыка ўқитувчилари бадий дидининг шаклланганлик даражасини аниқловчи мезонлар.

4. Мумтоз асарлар воситасида бўлажак муסיқа ўқитувчиларининг бадий дидини шакллантиришга оид илмий-методик тавсиялар.

Ишнинг илмий янгилиги:

1. Ўзбек мумтоз муסיқаси воситасида бўлажак муסיқа ўқитувчилари бадий дидини шакллантириш муаммоси педагогика йўналишида биринчи марта тадқиқ этилди.

2. Ўзбек мумтоз муסיқаси воситасида бўлажак муסיқа ўқитувчилари бадий дидини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари яхлит ҳолда ўрганилди.

3. Ўзбек мумтоз муסיқаси воситасида бўлажак муסיқа ўқитувчилари бадий дидининг шаклланганлик даражасини баҳоловчи мезонлар асосланди.

4. Ўзбек мумтоз муסיқаси воситасида бўлажак муסיқа ўқитувчиларининг бадий дидини шакллантиришга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Бўлажак бакалаврларнинг бадий дидини мумтоз муסיқа воситасида шакллантириш муаммоси биринчи марта яхлит бир бутун ҳолда тадқиқ қилинди. Бўлажак муסיқа ўқитувчиларининг бадий дидини шакллантиришда мумтоз муסיқа намуналари, мақомлар, катта ашула, йирик ҳажмдаги мумтоз ашулалардан ва халқ педагогикаси анъаналаридан кенг фойдаланилди. Шеърининг матн ва мелодиянинг композицион тузилиши, улар ўртасидаги синхронлик таҳлили берилди. Педагогик амалиёт жараёнида мумтоз муסיқа орқали бўлажак муסיқа ўқитувчиларининг бадий дидини шакллантириш масаласи биринчи марта очиқ берилди. Ўзбек, шарқ халқлари ва европа мумтоз муסיқаларининг муштараклиги бўлажак муסיқа ўқитувчилари бадий дидини шакллантиришнинг самарали услубларидан эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди. Бўлажак бакалаврларнинг бадий дидини шакллантиришнинг таснифи ва мезонлари яратилди.

Тадқиқот натижалари педагогика олий таълим муассасаларининг муסיқа факультетларида “Анъанавий кўшиқчилик ва мақом асослари” фанини ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини, тарбиявий мавқеини очилишига амалий ёрдам беради. Шунингдек “Мақом синфи” фанларида ва бошқа барча мумтоз кўшиқчилик билан боғлиқ ихтисослаштирувчи фанларда мумтоз муסיқадан фойдаланиш орқали бу фанлардан олинадиган билимларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Тадқиқот материалларидан педагогик амалиёт жараёнини ташкил этиш, шунингдек, муסיқа таълими бўйича маъруза матнлари, дарслик ва қўлланмаларни яратишда ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тажриба-синов ишлари Низомий номидаги ТДПУ ҳамда А.Қодирий номидаги ЖДПИларида ташкил этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Илмий тадқиқотнинг мазмуни, асосий натижалари А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Низомий номидаги ТДПУ ва Бухоро ДУларида ташкил этилган илмий-услубий анжуманларда маърузалар қилиш орқали кенг педагогик жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган. Ишнинг асосий ғоялари, шунингдек, А.Қодирий номидаги ЖДПИ ва Низомий номидаги ТДПУлар “Чолғу асбоблари ва анъанавий ижрочилик”,

“Халқ кўшиқчилиги ва хор дирижерлиги” кафедраларининг методик бирлашмалари йиғилишларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий назарий ғоялари ва муҳим амалий натижалари асосида 18 та илмий-услубий мақола ва 3 та махсус курс дастури эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, 6 та параграф, умумий хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловаларни ўз ичига олган бўлиб, асосий мазмун 141 бетда ёритилган. Ишнинг умумий ҳажми 163 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот муаммосининг долзарблиги асосланган, ишланганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади, объекти, предмети, илмий фаразлари ва вазифалари белгиланган, тадқиқотни олиб боришда самарали деб топилган методлар танланган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, оммалаштирилганлик ҳолати кўрсатилган.

Ишнинг биринчи боби **“Ўзбек мумтоз мусиқаси воситасида бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадиий дидини шакллантиришнинг назарий масалалари”** деб номланиб, унда ўзбек мумтоз мусиқаси воситасида бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадиий дидини шакллантиришнинг педагогик муаммо эканлиги асосланган ҳамда ўзбек мумтоз мусиқаси воситасида бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадиий дидини шакллантиришнинг тарихий тажрибаси тўғрисида сўз юритилган.

Манбаларда билдирилган ғояларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, бадиий-эстетик дид – инсоният томонидан яратилган гўзал ва мукамал нарсаларни танлай олиш, уларни қадрлаш, гўзалликни яратилишига хайрихоҳлик билдириш ва уни яратишга иштиёқманд бўлиш ҳисларини ўз ичига олади. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида мавжуд тадқиқотларда илгари сурилган фикрларга таянган ҳолда “бадиий дид” тушунчаси қуйидагича таърифланди: бадиий дид бўлажак мусиқа ўқитувчилари томонидан ўзбек мумтоз мусиқаси тўғрисидаги назарий билимларга эга бўлиш, уларнинг бадиий қимматини баҳолай олиш, ғоявий мазмунини изоҳлай билиш, шунингдек, ўзбек мумтоз мусиқаси намуналарини юксак савияда ижро эта олиш кўникма ва малакаларига эгаликдир.

Ўзбек мумтоз мусиқаси воситасида шаклланган бадиий диднинг таркибий унсур (элемент)лари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1. Мусиқий асарнинг ғоявий мазмуни ҳамда уларда акс этган бадиий образларни аниқ тасаввур қилиш. 2. Мусиқий асар ғоявий мазмунининг оҳангларда тўла акс этишига эътибор бериш, улардаги ўзаро мутаносиблик ва синхронликни англай олиш. 3. Куй ва оҳангни мукаммалаштирувчи: нола, қочирим ва бошқа безакларни мукамал ижро эта ва баҳолай олиш. 4. Ижрочининг ижро маҳоратини баҳолай билиш.

Мумтоз мусиқий асарлардан намуналар тинглаш орқали бўлажак ўқитувчилар:

1) мусиқий асарларнинг муаллифлари, уларнинг ҳаёти ва ижодлари тўғрисидаги маълумотларни ўзлаштирадилар;

2) ўзбек мумтоз мусиқий асарларининг бошқа халқлар мусиқий асарларидан фарқли жиҳатларидан хабардор бўладилар;

3) ижрочиларнинг маҳоратларидан баҳраманд бўлиш билан бирга ижро услубининг ўзига хос хусусиятлари, ижрочининг ютуқларини баҳолай олиш кўникмаларини эгаллайдилар;

4) ўзбек мумтоз мусиқий асарларидан намуналар ижро эта олиш ва улар тўғрисида келгусида ўқувчиларга маълумотлар бериш имкониятига эга бўладилар.

Шакллантирувчи тажриба даврида юқоридаги методик тавсияларни амалиётга бевосита татбиқ этиш натижасида олий таълим муассасаларида ташкил этилувчи машғулотларда қуйидаги кўзга ташланди:

1. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларига мумтоз асарларнинг муаллифлари – классик ўзбек адабиёти намояндалари ва бастакорларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар берилди, шеърини матнда илгари сурилган гоё мазмуни ўрганилди, махсус адабиётлар (мас., луғатлар) ёрдамида уларнинг нотаниш сўзлар маъносидан хабардор бўлишлари таъминланди.

2. Тажриба гуруҳлари иштирокидаги машғулотларда ўрганилаётган мумтоз ашулаларнинг таниқли ҳофизлар томонидан ижро этилган ва магнит тасмаларига ёзиб олинган вариантлари тингланди.

3. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларида мумтоз ашула ва куйларни нота воситасида куйлаш кўникмаларининг шаклланишига эътибор кучайтирилди (зарур ўринларда овозли ёзувларни эшитиш орқали уларни тўғри куйлаш йўллари ўрганишга рухсат этилди).

4. Мумтоз ашулаларда учрайдиган безаклар, қочиримларнинг ижро этилишига эътибор қаратилди, муаммоли вазиятларни яратиш орқали бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг зийраклик, оҳангларни бир-биридан фарқлай олиш, турли асарлар ижросидаги ўзига хосликларни англаш қобилиятларини шакллантиришга эътибор қаратилди. Бунда мусиқий топишмоқ, оҳанги ёки ижро услуби, йўналиши жиҳатидан ўзаро яқин асарларни қиёсий таҳлил қилиш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

5. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларига ўзбек мумтоз мусиқаси намуналарини ўргатишда асосан ишқама усулидан, шунингдек, мумтоз ашулаларни жамоа иштирокида куйлашда хорга хос овоз имкониятлари (соз, ансамбль ва нюанслар)дан фойдаланилди.

Миллий кўшиқчилик санъати ибтидоий дарвданок ривожлана бошланган бўлиб, у халқ байрамлари, маросимлари, тўйлар ва бошқа анъаналари ривожини билан узвий боғлиқ. Миллий мусиқа асарларининг ўзига хос хусусияти унинг рақс ва ўйин элементлари билан бойитилганлигидадир.

Гарчи мумтоз мусиқа санъатининг асослари аҳоли қатламнинг илк ижтимоий табақаланиши даврида шакллана бошлаган бўлса-да, унинг асоси, дастлабки намуналари фольклор асарлари ва халқ оҳанглари негизидан

ривожланган. Юқори табақа вакилларининг маънавий эҳтиёжи улар даврасида қўлланиладиган мусикий асарлар намуналарининг мазмунан бой, юксак бадиий савияда ҳамда маҳоратли ижро даражасида бўлишини тақозо этган. Зеро, уларнинг турмуш тарзи нафақат моддий, балки маънавий эҳтиёжларни қондиришга ҳам имкон берган. Бу имконият туфайли юқори табақа вакилларининг хизмати учун қобилиятли, маҳоратли чолғучи, қўшиқчи ҳамда шоирлар жалб этилганлар. Демак, мусиқа илмидан хабардор ёки қобилиятли, маҳоратли кишиларнинг халқ орасидан ажратиб олиниши қуйи табақа вакиллари бўлган халқ оммаси орасида мусиқа маданиятининг бир қадар оддий, мазмунан юқори савияда бўлмаган мусикий асарларнинг яратилишига сабаб бўлган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, аҳоли ўртасида табақаланиш содир бўлгунига қадар ҳам халқ мусиқа санъати жуда катта тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтган. Чунончи, Самарқанд вилоятига қарашли Мўминобод қишлоғи яқинида олиб борилган қазилма ишлари чоғида бронза даврида, яъни салкам беш аср илгари суякдан ясалган най сози топилган.

Ўзбек миллий санъати халқ маданияти тараққиёти билан тенгдош саналади. Матнлари қўшиқларга мос тарзда яратилган “Авесто” асари бронза давридан олдин ҳам Марказий Осиёда қўшиқчилик санъатининг асослари – шеърят ва ашулачиликнинг илк йўналишлари шаклланиб келганлигидан далолат беради.

“Авесто”да келтирилган шеърый матнлардаги вазн, туроқ ва бўғин ўлчовларининг қўшиқ матнига мос келиши диний қарашларнинг ифода усули бўлган қироатнинг миллий ашулачилик негизи бўлганлиги ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланганлигини англатади.

Улуғ мутафаккир Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари ўзида Шарқ, шу жумладан, Марказий Осиё халқларининг тўрт минг йиллик (яъни қирқ асрлик) тарихий даврини мужассамлаштирган бўлиб, унда аҳолининг юқори табақасига хос турмуш тарзи билан бир қаторда меҳнаткаш халқ, хусусан, мусиқачиларнинг фаолияти ҳақида ҳам сўз юритилади.

Марказий Осиё ҳудудида синфий жамиятнинг пайдо бўлиши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби мусиқа санъатида ҳам кескин табақаланишни юзага келтирди. Аҳоли қатламининг кескин табақалашуви даврида Борбад, Римтин ва Нокусинлар ўзларининг санъатлари билан халқ орасида жуда машҳур бўлишганликлари ҳақидаги маълумотлар тарихий манбаларда қайд этиб ўтилган.

Мутафаккирлар – Ал-Киндий, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Нажмиддин Кавкабий ва бошқа алломаларнинг таъкидлашларича, мусиқа инсоннинг кайфиятини чоғ қилувчи, уни кулдирувчи, йиғлатувчи ва ухлатиб қўя олувчи ҳиссий таъсир кучига эга бўлган мўъжизали воситадир.

Шарқ Уйғониши даврида ҳам ўзбек миллий мусиқаси ривожини йўлида самарали ишлар амалга оширилди. Бу йўлда олиб борилган амалий ҳаракатларда қуйидаги йўналишларнинг устиворлиги кўзга ташланади: 1. Мусиқа назарияси ва амалиётига оид трактатларнинг ёзилиши. 2. Янги чолғу

созларининг яратилиши. 3. Мумтоз асарлар (куй ва кўшиқлар)нинг яратилиши. 4. Санъат соҳасида фаолият юритувчи кишиларнинг ижод қилишлари учун қулай шароитларнинг яратилиши ва уларнинг халқ бадиий дидини ўстириш йўлидаги саъйи-ҳаракатларнинг қўллаб-қувватланиши. 5. Фалсафа, санъат ва адабиёт йўналишлари бўйича таълим берувчи муассасалар, жумладан, мадраса ҳамда академияларнинг ташкил қилиниши.

Шарқ уйғониши даврининг биринчи боскичида дувозда (12 мақом) йўллари яратиш ва уларни такомиллаштиришда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бироқ, уч хонлик – Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари давридаги сиёсий парокандалик, хонликлар ўртасидаги ўзаро низолар Марказий Осиё халқларининг ўзаро жипслик ва тотувликларига барҳам берди, мусиқа санъати, хусусан, мумтоз кўшиқчиликнинг яхлит, бир бутун ҳолда ривожланиши йўлида сунъий тўсиқлар пайдо бўлди. Гарчи мусиқий ривожланишдаги умумийлик барҳам топган бўлса-да, ижобий ҳолатлар ҳам юз берди. Яъни ана шу уч ҳудудда мустақил ривожланиш кўзга ташланди, миллий кўшиқчиликнинг ўзига хос анъаналари шакллана бошлади.

Марказий Осиё Чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида бўлгани каби санъат ва маданиятда ҳам руслаштириш сиёсати олиб борилиши натижасида миллий мусиқа санъатини европача қарашларга мослаштириш ҳаракатлари бошланди. Миллий мусиқа ўрнини опера, балет, симфония, сюита, романс ва бошқа жанрлар эгаллай бошлади.

Ўтган асрнинг 60-йиллари охирларига келибгина, бир гуруҳ фидойи санъаткорларнинг саъйи-ҳаракатлари билан ўзбек мумтоз мусиқасини ўрганиш ва бу борада тадқиқотларни олиб бориш имконияти юзага келди. Тошкент Давлат Консерваторияси қошида профессор Ф.Кароматов ташаббуси билан “Шарқ мусиқаси” факультети очилиб, унда бўлажак мутахассисларга ўзбек мумтоз мусиқий мероси тўғрисидаги назарий ва амалий билимларни бериш йўлга қўйилди.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларни қайта тиклаш, уларни янада бойитиш борасидаги ижтимоий зарурият ўз-ўзидан миллий мумтоз мусиқанинг ҳам кенг кўламда ривожини таъминлашга имкон берувчи шарт-шароитларни яратиш муаммосининг долзарб характер касб этишини таъминлади.

Ишнинг **“Ўзбек мумтоз мусиқаси воситасида бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадиий дидини шакллантиришнинг амалий шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида ўзбек мумтоз мусиқаси воситасида бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадиий дидини шакллантиришнинг педагогик ва психологик жиҳатлари таҳлил этилган ҳамда ўзбек мумтоз мусиқаси воситасида бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадиий дидини шакллантиришда чолғу ижрочилиги дарсларининг таъсири ўрганилган.

Мусиқа санъати ҳам барча санъат турлари каби инсон руҳияти ҳамда ижтимоий воқеликлар ҳолатини ифода этувчи восита, шунингдек, идрок этишнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Мусиқа асарини яратишда ижодкор муайян образлар воситасида юксак инсоний сифатларни ёритади. Мусиқа ва

қўшиқларда табиат манзаралари, инсонларга хос хусусиятлар, ижтимоий муносабатлар, ижобий психологик ҳолатлар – хурсандчилик ёки аксинча, салбий ҳолат – ғам-алам, истироб, тушкунлик каби ҳодисалар ифодаланади.

Оҳанглар таъсирида инсон руҳиятида муайян психологик ҳодисалар рўй бериб, ижобий ва салбий кайфиятларни юзага келтиради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мумтоз асарлар инсон руҳиятида энг нозик ҳисларни юзага келишига таъсир этади. Қадимда олимлар мусикий оҳангларни “алқонлар” дея эътироф этганлар ва уларнинг таъсирида қуйидаги уч ҳиссиёт юзага келишига урғу берганлар: 1. Кишига лаззат бағишловчи куйлар (“алқони муллиза”) бўлиб, улар одатда гўзалликни тараннум этади ва кишига ҳузур бағишлайди. 2. Кишини ҳаёлот, ширин орзулар ва ҳаёлий ўйларга етакловчи ҳаёлий куйлар (“алқони муҳайилла”). 3. Киши кайфиятида ғамгинликни юзага келтирувчи ва лирик кечинмаларни уйғотувчи куйлар (“алқони инфиюлийик”).

Мусикий асарларни яратишда ички омиллар билан бирга ташқи деталларнинг таъсири ҳам инобатга олинади. Масалан, инсон кайфияти, табиат манзаралари ёки ижтимоий воқелик уларга хос бўлган хусусиятларнинг оҳанглар ёрдамида ифодаланиши асосида ёритиб берилади. Бунда оҳанг ритми, суръати, тонига алоҳида эътибор қаратилади. Образлар учун характерли хусусиятларнинг белгиланиши муҳим аҳамиятга эга.

Ташқи деталлар шеърини матннинг мазмунидан келиб чиқадиган фикрларни ифодалашга ёрдам беради. Шу тариқа улар ўртасида муайян мутаносиблик ўрнатилади ва мусикий образларнинг яратилишини таъминлайди.

Талабалар бадиий дидини шакллантириш жараёнида ўқитувчи асосий ўрин тутди. Мутахассис-ўқитувчиларнинг бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадиий дидини шакллантиришдаги асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Талабаларнинг мумтоз ўзбек мусикасига бўлган муносабатларини ўрганиш, уларнинг мумтоз куй ва қўшиқларни ўрганишга бўлган эҳтиёж ва қизиқишлари даражасини объектив баҳолаш.

2. Талабаларнинг ёш хусусиятлари, шахсий имкониятлари ва алоҳида иқтидорлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш.

3. Талабаларнинг эҳтиёжи, қизиқишлари, мумтоз мусиқа меросига бўлган муносабатлари, овоз имкониятлари, иқтидорлари, билим даражалари ҳамда ижро кўникмаларига мувофиқ улар томонидан ўрганилиши учун мумтоз куй-қўшиқлар мажмуини шакллантириш.

4. Талабаларга мумтоз асарлардан намуналар ижро этиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам берувчи самарали методикага эга бўлиш ва машғулоти педагогик, психологик ҳамда методик талабларга мувофиқ тўғри ташкил этиш.

5. Машғулоти жараёнида кўргазмали методик воситалардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш.

6. Талабалар томонидан ўзлаштирилган мумтоз мусиқа асарларининг назарий ва ижро асослари борасидаги билимларни, шунингдек, уларда шакллانган бадиий дид даражасини объектив баҳолаш.

Талабалар юксак бадиий савияга эга мумтоз асарларни ўрганишда уларнинг яратилиш тарихи ва ижро услубларига оид маълумотларни

ўзлаштиришни истайдилар. Бундай истакнинг юзага келиши таълимни муваффақиятли ташкил этилишининг бошланғич омили ҳисобланади. Мумтоз асарларни ижро этиш учун талабаларнинг муайян кўникма ва малакаларга эга бўлишлари талаб этилади. Жумладан: 1. Асарни катта қизиқиш ва ҳис-ҳаяжон билан тинглаш. 2. Уни куйлаш ёки чалишга нисбатан эҳтиёжга эга бўлиш. 3. Асарнинг фразаларини ҳижжалаб ўрганиш. 4. Ундаги нозик қочирим ва нолаларни ижро эта олиш устида иш олиб бориш. 5. Ҳарфлар, бўғинлар ва сўзлар талаффузи устида ишлаш. 6. Ижро услубида йўл қўйилган камчиликларни тўғрилаш. 7. Куй ва қўшиқларни уларнинг мазмунига мувофиқ ижро этишга эришиш, ижро чоғида динамик ранг-барангликни таъминлаш. 8. Юксак маҳорат билан чалиш ва куйлаш кўникмаларини ўзлаштириш. 9. Чалиш ва куйлашда ўз хатти-ҳаракатларига эътибор бериб, уларни меъёрлаштириш. 10. Куйлаш ёки чалишда ўзига хос йўлини танлаш. 11. Ўз ижро услуби ҳамда муайян тажрибага эга бўлиш.

Мумтоз мусиқа намуналарини ўрганишда қуйидаги психологик ҳолатлар устувор аҳамият касб этади:

1. Мустаҳкам характер ва қатъий ирода сифатига эгалик (мумтоз куй-қўшиқлар ижросини ўрганиш мураккаб жараён бўлиб, узок вақт талаб этилади. Вақтнинг узоклиги туфайли сабр-тоқатли, бардошли талабаларгина кутилган натижани қўлга кирита оладилар. Зеро, сабр-тоқат мумтоз куй-қўшиқларни ўрганиш жараёнида етакчи психологик омил сифатида намоён бўлади. Сабр тоқатга эга бўлмаган талабалар узок вақт машаққатли меҳнат қилишдан чўчийдилар ва ҳеч бир мумтоз қўшиқни маромига етказиб айта олмайдилар).

2. Барқарор диққатга эгалик (мумтоз мусиқа асарларининг ижроси ихтиёрий куй ёки қўшиқ таркибий тузилмасига хос бўлган элементларнинг ҳар бирини англай олишни тақозо қилади. Жумладан, паст ва юқори пардалар, қочирим ва нолалар, вокализ, нота ёрдамидаги ижрода ҳар бир нотани ҳис қила ва англай олишгина муваффақиятли ижрони кафолатлай олади).

3. Юқори даражада ривожланган сезгига эга бўлиш мусиқачи учун бу айниқса муҳим. Психологлар мусиқий сезги қуйидаги элементларни ўз ичига олишини таъкидлайдилар: товушнинг баланд-пастлигини сезиш; оҳангни сезиш; гармоник сезги; полифоник сезги; тембр ва динамикани сезиш; фактура сезгиси; ички сезги.

Асословчи тажриба ишларини олиб бориш даврида олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш, бўлажак мусиқа ўқитувчилари билан бевосита суҳбат, савол-жавобларни ташкил этиш, фаолиятларини педагогик нуқтаи назардан кузатиш асосида уларнинг бадиий дидга эгалик даражалари баҳоланди. Ушбу босқичда бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг бадиий дидини шакллантиришга оид, шунингдек, маълум мумтоз асарларни самарали ўрганиш юзасидан ҳам тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, “Синахирож” қўшиғини ўрганиш чоғида фойдаланилган нола ва қочиримларни ижро этиш бўйича берилган тавсияларни бошқа мумтоз асарларни куйлашни ўрганишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадиий дидини шакллантиришда чолғу созлари (ғижжак, қашқар рубоби, дутор, танбур ва доира) ва улар ижросидаги

мумтоз куйларнинг алоҳида ўрни бор. Шунинг учун бўлажак мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашда чолғу ижрочилигининг назарий ва амалий асослари тўғрисида маълумот берувчи ўқув фанларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бўлажак мусиқа ўқитувчилари томонидан мумтоз кўшиқларнинг ўрганилишига нисбатан қуйидаги талабларни қўйиш зарур:

1. Бўлажак мусиқа ўқитувчилари томонидан шеърӣ матн мазмунини тўғри ва тўла тушиниб олинишига эришиш.

2. Уларда шеърӣ матннинг композицион тузилиши (поэтик тезис, кучайтириш, антитезис, синтез, занжирли композиция)ни таҳлил қила олиш кўникмасини шакллантириш.

3. Талабалар томонидан мусиқӣ оҳанг ривожланишидаги композицион тузилишни англаш ва асар драматизмидаги динамик ҳолатни ҳис этиш кўникмасининг ўзлаштирилиши учун шароит яратиш.

4. Талабаларнинг шеърӣ матн ва мусиқӣ оҳанг тузилмалари ўртасидаги ўзаро мутаносиблик, синхронликни англай олинишини таъминлаш.

5. Уларнинг ижро услубига хос хусусиятлар (овоз тембри, овоз эластиклиги, нола ва қочиримлар, сўзлар талаффузи, овоз жозибаси)нинг билишларига эришиш ва улардан самарали фойдаланиш малакаларини шакллантириш.

Ишнинг **“Ўзбек мумтоз мусиқаси воситасида бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадиӣ дидини шакллантиришга оид амалий тажриба моҳияти”** деб номланувчи учинчи бобида эса ўзбек мумтоз мусиқаси воситасида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг бадиӣ дидини шакллантиришнинг методик жиҳатлари, шунингдек, тажриба-синов ишларининг натижалари ва таҳлили ёритилган.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида фаолият юритаётган таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларга ўзбек мумтоз мусиқаси, жумладан, мақомларга оид назарий ва амалий билимларни бериш борасидаги тажрибаларни ўрганишга эътибор қаратилди.

Педагогика олий таълим муассасаларининг мусиқа факультетлари амалиётини кузатиш, бўлажак мусиқа ўқитувчилари фаолиятини ўрганиш, уларнинг хоҳиш-истаклари, қизиқиш ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш асосида “Анъанавий кўшиқчилик” ва “Мақом асослари” курслари бўйича миллий мумтоз кўшиқларни уларнинг мураккаблик даражасига кўра қуйидаги тартибда ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилинди ва улар амалиёт учун тавсия этилди.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг амалиётини ўрганиш, ўқув дастурлари ва дарсликлар билан танишиш бўлажак мусиқа ўқитувчиларини 1-7-синфларда “Мусиқа маданияти” дарсларида ўрганилиши зарур бўлган ўзбек мумтоз куйларидан хабардор қилиш, ижро услубларининг ўзлаштиришларига эришиш зарур эканлигини тасдиқлади.

Ўқувчиларни мумтоз куй-кўшиқлар билан таништиришда қуйидаги шакл ва методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади:

1. Ўрганиш учун танлаб олинган айрим куйларни магнит тасмалари ёрдамида тинглатиш.

2. Муסיқа фани ўқитувчисининг ўзи томонидан чолғу асбоблари ёрдамида ижро этиб кўрсатиш.

3. Таниқли созандаларни таклиф этиш орқали улар билан учрашув ташкил қилиш вақтида ўрганилиши кўзда тутилган куй моҳияти билан танишиш.

4. Муסיқа тўгарагининг аъзоси бўлган ўқувчилар ижросида ўрганилаётган мумтоз куйни тинглаш.

Бўлажак муסיқа ўқитувчилари бадий дидини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари учун тажриба майдони сифатида Низомий номидаги ТДПУ ҳамда А.Қодирий номидаги ЖДПИ танланди. Муסיқа факультетларида таълим олаётган 215 нафар талаба тажриба-синов ишларига синалувчилар сифатида жалб қилинди.

Олиб борилган тадқиқот ва синов-тажриба ишлари натижаларига таянган ҳолда бўлажак муסיқа ўқитувчилари бадий дидининг шаклланганлик даражасини белгиловчи куйидаги мезонлар ишлаб чиқилди: 1. Мумтоз асарлар бўйича талабалар репертуарларининг кенгайганлиги. 2. Уларнинг мумтоз муסיқий асарлар шеърий матни муаллифлари ва бастакор ижодий фаолиятидан хабардорлиги. 3. Асарда учрайдиган ва ижрода қийинчилик туғдирадиган нотаниш сўзлар маъносини билишлари, шунингдек, асар воқелигини ҳикоя қилиб бера олишлари. 4. Асарнинг ижрочилари ва уларнинг қўшиқчилик услублари, асарнинг жозибасини таъминлашдаги ролларини кўрсатиб бера олишлари. 5. Асардаги динамик туслар, ҳаяжонли ўринлар, қочирим ва нолаларнинг ўзига хослиги, мавжуд мураккабликларни билишлари ҳамда қийинчиликларни муваффақиятли бартараф эта олиш кўникмаларига эгаликлари. 6. Асарнинг мавжуд безакларига амал қилган ҳолда ижро эта олиш малакасига эгаликлари. 7. Асарнинг ўзбек мумтоз қўшиқчилигидаги ўрни, ижрочилар маҳорати ҳамда ўз ижросини тўғри баҳолай олиш кўникмасининг шаклланганлиги.

Талабаларнинг мумтоз ўзбек муסיқа асарларини ижро этиш кўникма ва малакалари куйидаги уч кўринишда даражаланди:

1) юқори даража – барча саволларга ижобий жавоблар қайтарилганлиги, талабалар ижро маҳоратининг мавжуд талабларга жавоб бера олиши;

2) ўрта даража – саволларга қисман ва тўғри жавоблари қайтарилганлиги, бироқ, айрим саволларга қайтарилган жавобларнинг қониқарли эмаслиги; талаба ижро маҳоратининг маълум талабларга жавоб бера олиши, айрим ўринларда хатоликларга йўл қўйилганлиги;

3) паст даража талабаларга – саволларга қониқарли жавобларнинг қайтарилмаганлиги, талабалар ижро маҳоратининг қониқарсиз эканлиги.

Респондент-талабаларда бадий диднинг шаклланганлик даражаси юқорида қайд этилган етти ҳолатга мувофиқ аниқланди. Таҳлил натижасида куйидаги кўрсаткичлар қўлга киритилди (1- ва 2-жадваллар):

**Тажриба ва назорат гуруҳлари кўрсаткичларининг
қиёсий таҳлили (А.Қодирий номидаги ЖДПИ)**

Даражалар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Улар ўртасидаги фарқ
Юқори	206	127	79
Ўрта	78	71	7
Паст	45	138	93

**Тажриба ва назорат гуруҳлари кўрсаткичларининг
қиёсий таҳлили (Низомий номидаги ТДПУ)**

Даражалар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Улар ўртасидаги фарқ
Юқори	269	173	96
Ўрта	85	90	5
Паст	45	178	133

Юқоридаги жадвалдаги тажриба ва назорат гуруҳлари бўйича қайд этилган кўрсаткичлар асосида тажриба-синов ишларининг илмий-педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилганлиги ва самарадорлигини ўрганиш мақсадида математик-статистик таҳлил амалга оширилади. Статистик таҳлил учун Стьюдент-Фишер методи танланди ва ҳисоб-китоб натижаларига кўра қуйидаги кўрсаткичлар қўлга киритилди (3-жадвал):

Статистик таҳлил қийматлари

Гуруҳлар	$\bar{X}$	$\bar{Y}$	D_m	D_n	τ_m	τ_n	δ_m	δ_n	Δ_m	Δ_n
Тажриба	4,5	-	0,52	-	0,72	-	0,16	-	0,04	-
Назорат	-	3,9	-	0,79	-	0,89	-	0,20	-	0,07

Ҳосил қилинган қийматлар асосида ҳар икки гуруҳлар учун ишончли интерваллар топилади. Яъни:

$$\bar{X} - t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}}$$

$$4,5 - 0,04 \leq a_x \leq 4,5 + 0,04; \quad 4,46 \leq a_x \leq 4,54$$

$$\bar{Y} - t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$3,9 - 0,07 \leq a_y \leq 3,9 + 0,07; \quad 3,83 \leq a_y \leq 3,97$$

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра ишончли интерваллардан тажрибадан кейинги тажриба-синов ишларининг натижаларига кўра ўтказилган тажрибанинг ҳаққонийлиги келиб чиқди.

Сўнгги босқичда дастлабки натижалар (яъни $\bar{X} = 4,5$; $\bar{Y} = 3,9$; $\Delta_m = 0,04$; $\Delta_n = 0,07$)га асосланган ҳолда тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичлари аниқланади:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,5 - 0,04}{3,9 + 0,07} = \frac{4,46}{3,97} = 1,12 > 1;$$

$$K_{\text{доб}} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4,5 - 0,04) - (3,9 - 0,07) = 4,46 - 3,83 = 0,63 > 0;$$

Ҳосил бўлган кўрсаткичлар тажриба-синов ишлари самарадорлигини баҳоловчи мезоннинг бирдан ҳамда респондент-талабаларнинг ўзбек мумтоз мусиқасидан хабардорлик даражасини баҳолаш мезонининг нолдан катталигини тасдиқлайди. Бу ҳолат тажриба гуруҳлари талабалари томонидан эришилган натижаларнинг назорат гуруҳлари талабалари натижаларига қараганда юқори эканлигини англатади. Шундай қилиб, математик-статистик таҳлил натижаларига кўра тажриба-синов ишларининг самарали ташкил этилганлиги исботланди. Демак, бўлажак мусиқа ўқитувчиларида бадиий дидни шакллантиришга оид тадқиқот иши илмий-педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилган.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Лирик кўшиқлар, хусусан мумтоз кўшиқлар фольклор кўшиқлардан фарқли равишда асосан занжирли композицияга эга бўлиб, унда икки мисралик бандлар куплетлар ўрнини босади ва барча куплетлар асар мавзусидаги асосий мазмунни очиб беришни давом эттириб, уни янги-янги ташбеҳлар билан бойитиб боради. Адабий тил билан баён этилганда фикрлар ечими тезис, антитезис ва синтезлар тарзида таҳлил қилиб борилади. Тезис – бу берилган мавзу юзасидан айтиладиган дастлаб фикр бўлиб, икки қаторлик давомида у драматизми жиҳатидан тайёрланиб келиши ва ниҳоят охирги сўзлар орқали фикрни синтезлаб, жамулжам қилиб хулосалаб беради. Ҳазиллардаги воқеабандлик айрим ҳолларда антитезис сифатида дастлабки фикрга қарама-қарши фикр бериш орқали фикрлар драматизмини кескинлаштирувчи ва ундан сўнг фикрлар мантиқан синтезлаштириб тугал бир фикрга келтирилади. Бу ўз навбатида анчагина мураккаб жараён ҳисобланиб, у ижрочи ва тингловчининг дидини мукаммал ривожлантиришга олиб келади.

2. Мумтоз асарларнинг мусиқий матн тузилиши оддий фольклор куй ва кўшиқларидан фарқли равишда уларда фольклор асарларидаги каби фразалар қисқа ва мазмунан кичик-кичик бўлакли фикрларнигина ифодалаб қолмасдан, унда мелодик тузилмалар борган сари ривожлантирилиб борилади ва фикр кенг миқёсда таҳлил қилиб берилади. Мумтоз куйларга хос хусусият мелодик линиянинг ривож топиб бориши, драматизмнинг энг юксак чўққисигача кўтарилиши ва авждан сўнг маълум меъёрга келтирилиб, фикрнинг яқунланишини таъминлайди. Шу тариқа мазмунли яхлит бир тасвирий полотно мусиқа орқали ифодаланади. Бундай асарларни идрок қилиш ва уларнинг асл қийматиغا етиб уларни баҳолай олиш талабалардан катта идрок, куч ва маҳорат талаб қилади. Айнан шу жиҳатлари билан мумтоз мусиқа талабаларнинг руҳий кечинмаларини бойитиб бадиий дидини ривожлантириш ва такомиллаштиришга имкон беради.

3. Мусиқа асарларидаги, хусусан, мумтоз ашулачиликдаги бадиий дидни такомиллаштиришда икки муҳим воситанинг шеърят ва мусиқа

оҳангларининг, ҳофиз овози ва талаффузининг ўзаро бир бири билан уйғунлигини, ифодадаги синхронликни ҳис қила олишга бевосита боғлиқ бўлади. Бу ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, шеърий матн ва оҳанглар орқали асар мазмунида яширинган бадий образларни ифодалаб бера олишга алоҳида эътибор берилади. Фразаларнинг орқама-кетин бир бирига боғланиб, фикрлар занжирини узмасдан давом эттириш ва воқелик драматизмининг энг юқориги нуқтагача, авжигача олиб чиқа олиш ҳамда ҳиссий тўлқинларни жиловлаб, асардан тугал бир фикр чиқариб, уни мантиқан меъёрли қилиб тугаллай олишга эришиш асар образларининг талабалар тасаввуридан аниқ ўчмас жой олишига эришиш бениҳоя мураккаб жараён бўлиб бу талабалардан катта диққат-эътибор, руҳий кўтаринкилик, мураккаб специфик меҳнат талаб қилади. Айнан шундай мукамалликка эришиш – шеърий матн ва оҳанглар жарангидаги синхронликка эришиш ва образлар тасвирини юракдан ҳис этиш жуда катта ақлий меҳнат, идрок ва ижодкорлик натижасида юзага келади. Айнан шу саъйи ҳаракат ва меҳнат натижаси сифатида талабаларнинг бадий дидида ҳам ижобий ўзгаришлар, мукамаллик юзага келади.

4. Талабалардаги бадий диднинг ўсиши уларнинг чолғу асарлари ҳамда мумтоз ашулаларнинг қадрига етиб, уларни қийматига тўғри баҳо бера олиш билан бир қаторда, бу асарларни севиб тинглаш, асраб-авайлаш, шундай асарларни мукамал ижро этишга интилиш каби иштиёқнинг пайдо бўлишида ҳам ўз ифодасини топади.

5. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларида ўзбек мумтоз мусиқаси воситасида бадий дидни шакллантириш жараёнининг мураккаблиги тажриба-синов ишларини ташкил этиш учун махсус методиканинг шакллантирилишини талаб этади. Махсус методика таркибидан педагогик кузатиш, анкета, суҳбат, ўқув манбалари мазмунини ўрганиш ва таҳлил қилиш каби методикалар ўрин эгаллади. Шунингдек, тажриба даврида бўлажак мусиқа ўқитувчиларида ўзбек мумтоз мусиқаси воситасида бадий дидни шакллантиришга оид илмий-методик тавсияларнинг самарадорлиги ҳам ўрганилди.

6. Сўнгги босқич тажриба иши даврида махсус методика ва бўлажак мусиқа ўқитувчиларида ўзбек мумтоз мусиқаси воситасида бадий дидни шакллантиришга оид илмий-методик тавсияларнинг самарадорлиги уч босқич натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида баҳоланди. Таҳлил кўрсаткичларининг математик-статистик метод ёрдамида қайта таҳлил этилиши ҳам методиканинг самарадорлигини тасдиқлади. Ушбу хулоса тадқиқот ишининг ҳам самарали кечганлигидан далолат беради.

ТАВСИЯЛАР

1. Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак мусиқа ўқитувчилари ўртасида ўзбек мумтоз мусиқасини тарғиб қилишга жиддий эътибор қаратиш.

2. Мусиқа таълимини ташкил этишга ўзбек мумтоз мусиқаси маданияти тарихи ва ижро услубидан яхши хабардор бўлган педагогларнинг жалб этилишини таъминлаш.

3. Педагогика олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар режасидан талабалар ўртасида ўзбек мумтоз мусиқасини тарғиб этишга йўналтирилган тадбирларнинг ўрин олишига эришиш.

4. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини турли кўрик-танловларда фаол иштирок этишларини йўлга қўйиш асосида уларнинг ўзбек мумтоз мусиқаси намуналарини ижро этиш маҳоратларини такомиллаштириб бориш.

5. Ўзбекистон давлат Консерваторияси, Тошкент давлат Санъат институти ҳамда педагогика олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро таълимий ҳамкорликни юзага келтириш асосида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг ўзбек мумтоз мусиқаси бўйича назарий билим ва амалий малакаларини изчил, узлуксиз ривожлантириб боришга эришиш.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Файзуллаев Э.М. I-синфда ўқитиш ва мусиқа тарбияси /Илмий-амалий конференция материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 1991. – 27-29-б.

2. Файзуллаев Э.М. “Халқ чолғу ансамбли” фанидан намунавий ўқув дастур. – Жиззах: ЖДПИ, 1999. – 10-б.

3. Файзуллаев Э.М. “Чанг” чолғу фанидан ўқув намунавий дастур. – Жиззах: ЖДПИ, 2000. – 40-б.

4. Тоштемиров Н.Б., Файзуллаев Э.М. Мусиқий-маънавий тарбия // Маънавий ва экологик тарбиянинг долзарб муаммолари. Илмий-назарий конференция материаллари. – Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ, 2000. – 25-27-б.

5. Файзуллаев Э.М. Ўзбек халқ мумтоз мусиқаси бўлажак бакалаврларда юксак бадиий дид ва идеалларни тарбиялашнинг муҳим омили // Баркамол авлодни таълим-тарбиясида педагогика, психология ва мусиқанинг роли. Илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Жиззах: ЖДПИ, 2002. – 17-20-б.

6. Файзуллаев Э.М. Мумтоз кўшиқларнинг уч илдизи // Халқ таълими ж. – Т.: 2003. 3-сон. – 108-111-б.

7. Файзуллаев Э.М. Бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадиий дидини шакллантиришда мумтоз кўшиқлар // Халқ таълими ж. – Т.: 2003. 4-сон. – 80-83-б.

8. Файзуллаев Э.М. Мумтоз ашулаларнинг шеърий матни – талабалар бадиий дидини ўстириш воситаси // Узлуксиз таълим ж. – Т.: 2003. 5-сон. – 82-88-б.

9. Файзуллаев Э.М. Асарларнинг асл баҳоси... (мумтоз куйларга назар) // Бошланғич таълим ж. – Т.: 2003. 6-сон. – 16-17-б.
10. Файзуллаев Э.М. “Оркестр–синфи” фанидан намунавий ўқув дастури. – Жиззах: ЖДПИ, 2004. – 16-б.
11. Файзуллаев Э.М. Шарқ халқлари мумтоз мусиқасини ўрганишда бадий дидни тарбиялаш //Халқ таълими ж. – Т.: 2004. 1-сон. – 147-149-б.
12. Файзуллаев Э.М., Усмонова К.Э. Мумтоз асарларни ўрганиш жараёнида бадий дидни тарбиялаш //Баркамол авлод таълим-тарбиясида педагогика, психология, мусиқа ва спортнинг роли. Илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Жиззах: ЖДПИ, 2004. – 35-38-б.
13. Файзуллаев Э.М. Педагогик амалиёт жараёнида бўлажак бакалаврларни мумтоз мусиқа тарғиботига тайёрлаш // Узлуксиз таълим ж. – Т.: 2004. 4-сон. – 92-97-б.
14. Файзуллаев Э.М. “Бадий ҳаваскорлик ансамбли раҳбари” курси намунавий ўқув дастури. – Жиззах: ЖДПИ, 2005. – 10-б.
15. Файзуллаев Э.М., Комилова Н. Миллий мусиқий анъаналар орқали талабаларнинг мусиқий маданиятини тарбиялаш //Талабаларни соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти. Республика илмий-назарий анжумани маърузалари. – Жиззах: ЖДПИ, 2005. – 139-141-б.
16. Файзуллаев Э.М. Талабалар бадий-мусиқий дидини шакллантиришда мумтоз асарларнинг аҳамияти //Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг вазифалари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. I қисм – Жиззах: ЖДПИ, 2006. – 299-301-б.
17. Файзуллаев Э.М., Норбекова Л. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини педагогик амалиётга тайёрлашда мумтоз асарларнинг ўрни //Бошланғич таълимда инновацион технологиялар: муаммолар, ечимлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. II қисм. – Жиззах: ЖДПИ, 2006. – 63-65-б.
18. Файзуллаев Э.М. Ёшларда мусиқий дидни шакллантиришнинг хусусиятлари //Таълим муассасалари тизимида ўқувчи ва талабалар шахсини ривожлантиришнинг долзарб психологик-педагогик муаммолари. Республика назарий ва илмий амалий конф.материаллари. III китоб. – Бухоро: БДУ, 2006. – 118-120-б.
19. Файзуллаев Э.М. Мусиқий хазинанинг уч калити //Халқ таълими ж. – Т.: 2006. 3-сон. – 122-124-б.
20. Файзуллаев Э.М. Мумтоз асарларни ўргатиш амалиётидан: “Эй сабо” //Узлуксиз таълим ж. – Т.: 2007. 1-сон. – 78-80-б.
21. Файзуллаев Э.М. Талабаларга мумтоз асарларни ўргатиш амалиётидан: “Синахиروج” //Халқ таълими ж. – Т.: 2008. 2-сон. – 105-108-б.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Файзуллаев Эрмат Мажидовичнинг 13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича “**Бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадий дидини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари (ўзбек мумтоз мусиқаси мисолида)**” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: мумтоз мусиқа, ўзбек мумтоз мусиқаси, мақомлар, катта ашулалар, бадий дид, бўлажак мусиқа ўқитувчилари, бадий дидни шакллантириш.

Тадқиқот объекти: ўзбек мумтоз мусиқаси асосида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг бадий дидини шакллантириш жараёни.

Ишнинг мақсади: мумтоз асарлар воситасида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг бадий дидини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: мавзуга доир илмий, фалсафий, тарихий, мусиқашунослик, педагогик ва психологик адабиётларни таҳлил қилиш; педагогик кузатиш; илғор иш тажрибаларини ўрганиш; анкета сўрови; суҳбат; интервью; педагогик тажриба; математик статистика.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: мумтоз асарлар воситасида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг бадий дидини шакллантириш муаммоси педагогика йўналишида биринчи марта тадқиқ этилди; мумтоз асарлар воситасида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг бадий дидини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари яхлит ҳолда ўрганилди; тадқиқ этилаётган жараён самарадорлигини таъминловчи ташкилий-технологик ва методик омиллар аниқланди; илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди ва уларнинг самарадорлиги тажриба воситасида синовдан ўтказилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқотнинг асосий натижалари ўзбек мумтоз мусиқаси воситасида педагогик олий таълим муассасаларида бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадий дидини самарали шакллантиришни кафолатлайди; назарий ғоялар бўлажак мусиқа ўқитувчиларига ўзбек мумтоз мусиқаси тўғрисидаги назарий билимларни бериш, уларда мумтоз асарлардан намуналар ижро эта олиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга, шунингдек, уларда келгуси педагогик фаолиятларида ўқувчилар ўртасида ўзбек мумтоз мусиқасини тарғиб этиш борасидаги амалий малакаларни шаклланишига ёрдам беради.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари бўйича илмий-услубий анжуманлар материаллари тўплами, шунингдек, “Халқ таълими” ва “Uzluksiz ta’lim” журналларида илмий мақолалар чоп этилган.

Қўлланиш соҳаси: тадқиқот натижаларидан умумий ўрта махсус ва олий таълим муассасалари фаолиятида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Файзуллаева Эрмата Мажидовича на тему: **“Педагогические условия формирования художественного вкуса у будущих учителей музыки (на примере узбекской классической музыки)”** на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.01 – История и теория педагогики

Ключевые слова: классическая музыка, узбекская классическая народная музыка, маком, катта ашула, эстетический вкус, будущие учителя музыки, формирование эстетического вкуса.

Объекты исследования: процесс формирования художественного вкуса у будущих учителей музыки посредством классических музыкальных произведений.

Цель работы: изучение педагогических условий формирования художественного вкуса у будущих учителей музыки посредством классических произведений и разработка научно-методических рекомендаций.

Методы исследования: изучение литературных источников по философии, истории, музыке, педагогике и психологии, педагогические наблюдения, изучение передового опыта, анкетирование, беседа, интервью, педагогический эксперимент, математическая статистика.

Полученные результаты и их новизна: в педагогике впервые исследована проблема формирования художественного вкуса у будущих учителей музыки посредством классических произведений; в целом изучены педагогические условия формирования художественного вкуса у будущих учителей музыки посредством классических произведений; определены обеспечивающие организационно-технологические и методические факторы; разработаны научно-методические рекомендации по формированию художественного вкуса у будущих учителей музыки посредством классических произведений.

Практическая значимость: разработанные рекомендации и научные подходы, методические пособия и методические рекомендации способствуют повышению у будущих учителей художественного вкуса посредством классической музыки; теоретические идеи способствуют формированию знаний, умения и навыков у будущих учителей музыки по узбекской классической музыкальных произведений, а также повышает потенциал их будущей педагогической деятельности по агитации узбекской классической музыки среди учащихся.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования отражены в научных сборниках, а также в статьях опубликованных в научных журналах “Халқ таълими” и “Uzluksiz ta’lim”.

Область применения: результаты исследования могут быть применены в деятельности средних общеобразовательных, средне специальных и высших образовательных учреждений.

RESUME

Thesis of Ermat Majidovich Fayzullayev on the scientific degree competition of the candidate of pedagogical sciences on specialty 13.00.01 – The theory and history of pedagogy: **“Pedagogical conditions of the shaping the artistic taste beside future teachers of the music (on example of the uzbek classical music)”**

Key words: classical music, uzbek classical public music, maqom, katta ashula, aesthetic taste, future teachers of the music, shaping the aesthetic taste.

Subjects of the study: process of the shaping the artistic taste beside future teachers of the music by facility classical music product.

Aim of the inquiry: study pedagogical conditions shaping the artistic taste beside future teachers of the music by facility of the classical product and development scientifically-methodical recommendation.

Methods of inquiry: study of the literary sources on philosophy, histories, music, pedagogies and psychologies, pedagogical observation, study leading practical persons, анкетирование, conservation, interview, pedagogical experiment, mathematical statistics.

The results achieved and their novelty: in pedagogies in the first explored problem of the shaping the artistic taste beside future teachers of the music by facility of the classical product; as a whole study pedagogical conditions shaping the artistic taste beside future teachers of the music by facility of the classical product; they are determined providing organizing-technological and methodical factors; methodical recommendations are designed scientifically on shaping the artistic taste beside future teachers of the music by facility of the classical product.

Practical value: designed to recommendations and scientific approaches, methodical allowance and methodical recommendations promotes increasing beside future teachers of the artistic taste by facility classical musics; to the theories help to form the knowledge, skill and skill beside future teachers of the music about uzbek classic music product, as well as skill beside them in future pedagogical of activity to propogandas of the uzbek classical music amongst pupils.

Degree of the embed and aconomic effectivity: results of the study reflected in scientific collection, as well as acientific journal “Халқ таълими” and “Uzluksiz ta’lim”.

Sphere of usage: results of the study can be used in activity average general, average special and high educational institutions.